

кесимидаги -дим кесимлик шаклидан гапнинг эгаси мен эканлиги ва у гапда воқеланмаган бўлса ҳам, гапнинг эгаси I шахс бирлик, ўтган замон, аниқ майл, феълнинг бўлишли формасида ифодаланганлиги равшандир.

Семантик шахс эса нутқий шахс ҳисобланиб, худди шу гапга мен сўзини қўшиб ифодалаганимизда юзага келади: Мен Тошкентдан келдим.

Семантик шахс гапларда гапнинг эгасини айнан келтириш билан ифодаланади: Мирзо Улуғбек хаяжон ичида хонани бир айланиб чиқди. (О.Ёқубов). Бу гапда чиқди кесимининг –ди кесимлик шаклидан грамматик шахс англашилиб, гапнинг эгаси у – I шахс, бирлик, аниқ нисбат, бўлишли экани воқеланса, семантик шахсни ифодалаб келган Мирзо Улуғбек (гапнинг эгаси) мантикий шахсни, таъкидни билдириши, ушбу семантик маъно муайян номинатив бирлик билан ойдинлаштирилиб, аниқлаштирилиб келиши кўриниб турибди.

Махдум шу сўзни айтиб чиқди. (А.Қодирий),

Ой фонусин кўтарди осмон

Юлдузчалар бўлди парвона. (Э.Воҳидов),

Боситхон ясама жилмайди. (Ф.Мусахонов)

Юқоридаги мисолларда эга – Махдум, осмон, юлдузчалар, Боситхон семантик шахсни ифодалайди.

Тилимизда шундай сўзлар борки, улар эга вазифасида келиб, семантик шахсни воқелантиради ҳамда шундай грамматик шахслар мавжудки, улар кесимлик шаклида кўриниб, тилда такрор ва бир хиллик бўлмаслигини таъминлайди.

Эгали гаплар нутқда ифодаланган ёки ифодаланмаганидан қатъий назар, гапнинг лисоний қурилишида эга имконият сифатида мавжуд бўлган гаплардир [7].

Хулоса қилиб айтганда, грамматик шахс ҳам, семантик шахс ҳам шахсни яъни эгани кўрсатиб бериш учун, наинки эга, гап асоси кесимнинг, айниқса, кесимлик категориясининг аҳамиятга молик эканлигини ифодалайди.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Юсупов Э.Ю. Фалсафа. –Т.: 1999, 287-б.; [2]. Ўзбек тили грамматикаси. II том –Т.: Фан. 1976, 129-б.; [3]. Акопян Р.С. Курс лекций по синтаксису словосочетания и простого предложения современного русского языка. –Т.: Ўқитувчи. 1986, –С.36.; [4]. Розенталь Д.Э. Современный русский язык. Высшая школа. 1976, –С.473.; [5]. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси структурасига доир мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти. 2000, №3 24-б.; [6]. Нурмонов А., Искандарова Ш.. Ўзбек тилидаги шахс номларини тизим сифатида ўрганиш. Ўзбек тили ва адабиёти. 1985, №5-6. 23-б.; [7]. Қурбонова М., Шокирова Х. Гапнинг тил ва нутқ фарқланишига қўра талкини. Ўзбек тили ва адабиёти журналы. 2003, №3. 32-б.

Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети.

Қабул қилинди:
17.09.2003

УДК: 8-21+8-22.

АДАБИЁТДА КОМИКЛИК ВА ФОЖЕЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ

А.Аҳронқулов

В статье рассматривается слияние эстетических категорий комического и трагического в судьбах героев художественных произведений.

In this article is shown the organization of aesthetic categories of comic and tragic in literature characters life. And also happiness and unhappiness is show together in human life.

Жаҳон эстетикаси тарихида мутафаккирлар диққатида бўлиб қолаётган ва мунозаралаарга сабаб бўлаётган мураккаб категориялар: комиклик ва фожеликдир. Антик маданият давридан то ҳозирги кунимизгача бу икки умуминсоний эстетик тушунчалар тугал ўрганилиб хулоса қилингани йўқ [1].

Бунинг боиси кулгулилик ва фожелик категорияларининг бошқа инсоний тушунчалар: гўзаллик ва хунуклик, яхшилик ва ёмонлик, қувонч ва қайғу, шодлик ва ғам, савоб ва гуноҳ кабилар билан чамбарчас боғлиқлигидадир. Чиндан ҳам комиклик ва фожелик категорияларининг илмий хулосаси ИНСОНнинг ўзи каби мураккаб табиатлидир.

Инсоннинг кулгуси ва фожиаси (қайғуси) унинг маънавий олами, дунёқарашини ҳам белгилайди. Бир хил воқеликдан бир неча одам турлича таъсирланади. Шу билан бирга, воқелик-объектнинг таъсири таъсирланувчи-субъектнинг мавқеи, ижтимоий даражасига ҳам боғлиқ. Масалан, Чарли Чаплин томошаларида йўқсиллар кулса, зодагонлар ғазабланганлиги шу билан изоҳланса керак. Кулгунинг ижтимоий моҳият касб этиши унинг хусусий (шахсий) эканлигини инкор этмайди. Театр томошасида кўпчилик йиғласа, озчилик ёки бир инсон кулиши ёки аксинча бўлиши табиийдир. Шу ўринда шахс ва жамият ўртасидаги тафовут кўзга ташланадиги, бу нарсаси инсониятнинг тарихини ташкил этади.

Инсонни улкан Иккилик ўз исканжасида тутиб келади: икки олам, жаннат ва дўзах, аршу курс, шимол ва жануб, мусбат ва манфий, ижобий ва салбий ва ҳақозо. Бу иккиликнинг асосида яратувчи – Ҳақ ва яратилмиш – Ҳалқ ётади. Ўз ўзидан кўринадиги бу бўлиниш нисбийдир. Гап шундаки, инсон ва унинг атрофидаги борлиқ буюк яратувчининг зухуроти эканлигини «икки эшик» оралиғига тушган бандаси англаб етиши жуда қийин кечади. Муқаддас китобимиз «Қуръони карим»да «... Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) ёмонлик билан ҳам, (шукр қилишингизни билиш учун) яхшилик билан ҳам «алдаб» имтиҳон қилурмиз. (Кейин) фақат Бизгагина қайтарилурсизлар». («Анбиё» с. 35-оят) [2] дейилади. Демак, инсоннинг инсонийлик моҳияти ана шу икки йўлдан қай бирини аёло билишидан келиб чиқади:

«Ва биз уни (инсонни) икки: яхши ва ёмон йўлга йўллаб қўйдик-ку!» [3]. Худди ана шу нуқтада Инсон қисмати учун ёзилажак Бахт ва Фожианинг чегаралари аён бўладики, адабиёт ва санъат, нафосатшунослик тили билан трагедия ва комедиянинг қийматига тенг келади. Умуминсоний қадриятлар (яхшилик) йўлида умргузаронлик қилган инсон қисмати фожиавийлик – Бахт билан, унга тескари бўлган инсон қисмати комедия – Бахтсизлик билан баҳоланади. Худди шу ўринда улкан Иккилик исканжасида қолган Инсон йўл танлашдаги эрки мураккаб чигалликка ўралиб қоладики, Бахт нима, Фожа нима деган саволни қайта ўйлашга тўғри келади. Демак, Бахтнинг фожага, фожианинг бахтга тенг қиймати аён бўлади. Яъни Инсон яратувчи – Ҳақ томон интилганида яратилмиш – Ҳалққа терс бўлиб, аксинча бўлганида Ҳаққа қарши туриб қолади?! Бундай қарама-қарши хулосалар Инсон ҳаётига мураккаб вазифа қўймоқдаки, улкан Иккиликни Ягона Ҳолида кўрмоғи керак бўлади.

Инсоният тарихида ёруғ маёқ бўлиб порлаётган, донишмандлар хулосалари фикримизга ҳамоҳанг жаранглайди:

«Мен шундай одамни севаманки, у ўз яхшилигини севади. Зотан, яхшилик ҳалокатнинг иродаси ва ўзга соҳиллар истагининг ўқидир» [4].

«...Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас, дард бўлиши лозим. Акс холда инсон бу ишни қила олмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳеч муяссар бўлмас. Дунё ва охира, тижорат ва шоҳлик, илм ва бошқа ишларда бўлсин, барчасида аҳвол шундоқ, дунёда бир нарсаси бор – унутилмас. Агар ҳамма нарсани унутиб, Уни унутмасанг, қўрқмасанг ҳам бўлади... Шунинг учун бу дунёга инсон бир иш учун келган: ғоя Удир. Агар уни қилмаса ҳеч бир иш қилмаган ҳисобланади...» [5].

Шарқнинг энг машҳур ислом мутасаввиф ва мутафаккирларидан бири Мансур Ҳаллож қисмати кўпчиликка жуда яхши таниш. Унинг биргина «анал-ҳақ» сўзи боис дорга осилгани, дор остида ҳам бу сўздан «истиффор» этмагани донишмандлар учун ўлмас мавзу бўлиб келган. Жумладан, шайх Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида шундай дейди:

«Шоҳ Мансурни» Анал-Ҳақ»и бежо эмас,
Йўлни тобқон, бизга ўхшаш гумроҳ эмас.
Ҳар ножинслар бу сўзлардан огоҳ эмас,
Огоҳ бўлиб бўйи Худо олдим мано».

Чиндан ҳам дунё тарихида барча буюк ШАХСларнинг бошига тушган кулфат. Қисматини қуршаган мусибатлар — ўша улуғ зотларнинг маслак ва ҳақиқатларини халқу ҳалойиқ тушуна олмаганлиги ёки англашга қодир эмаслигидан содир бўлган. Шунинг учун Исо алайҳиссалом чормих этилган. Будда тошбўрон қилинган. Суқроти ҳақимга заҳар ичирилган. Жордано Бруно ўтга ташланган, Машраб дорга осилган. Насимийнинг териси шилиб олинган... Бундай фожиаларнинг санаб адоғига етиш қийин. Ҳаққа интилиб халқ-жамиятга сиғмаган бу шахсларни жамият уларнинг ўлимидан ёки асрлар ўтганидан сўнг қабул қилганлиги, англаганлиги Бахт ва Фожиа қиймати ҳақидаги тушунчаларимизни ўзгартириб юборади.

Чингиз Айтматовнинг «Кунда» романидаги Исо билан Понтий Пилат, Авдий билан Гришан, Бўстон билан Бозорбой ораларидаги кураш Эзгулик билан Ёвузлик, Яхшилик билан Ёмонлик ўртасидаги курашни акс эттиради. Ҳақиқат йўлидан оғишмай олға бориш жуда ҳам оғир ва машаққатли иш. Жаҳолат эса ўзининг ғайрининсоний ниятларини амалга ошириш учун ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтмайди. Чунки жаҳолат ҳар вақт нақд манфаатлардан келиб чиқиб, ҳақиқат оқибатни кўзлаб иш олиб боради.

Ҳақиқат бандалари эса ўзларининг табиий хоҳишларига қарши курашишлари шарт, бу курашнинг оғирлиги, мураккаблиги, бетинимлиги туфайли камдан-кам одам ғалабага муяссар бўла олади. Понтий Пилатнинг Исога «Агар одамларга жуда узоқ, ҳаддан ташқари узоқ кутишга тўғри келса, бунинг уларга нима кераги бор», деб берган саволига Исо: «Сен бамисоли юнон устозларинг каби тўпори ва дунёвий фикр юритасан», деб жавоб бериб, дунёвий ва тўпори фикр қилган одам моҳиятни англай олмаслигини айтади.

Мурод Муҳаммад Дўст «Лолазор» романи билан ўзбек адабиётида ўз ўрнини топди. Бу асарида ҳам, бутун ижодий тажрибасига таянгани ҳолда, яна кекса инсоннинг руҳий дунёсига, ҳаётнинг инсон руҳий қалъаси деворларига таъсири оқибатларини кўришга уринади. Адабиётимиздаги мавжуд қаҳрамонлардан фарқли ўлароқ, асарнинг асосий текширув объекти бўлмиш Назар Яхшибоев ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг қайноқ нуқтасида яшайди. Шахснинг жамиятни бошқариш иши — сиёсий кураш жараёни таъсиридаги эврилишларини кўрсатиш асарнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб қолган. Инсон эрк фарзанди. Мустабид шўро тузуми ўз фуқароларини мутеликда яшашга мажбур этиб келган эди. «Лолазор» романи бош қаҳрамони эса юқори мансабли раҳбарлардан бири, республикага таниқли ёзувчи, ҳар жиҳатдан бадавлат киши. Ёзувчи ана шундай шахснинг ҳаёт йўлини ўз ақлу фаросати, виждони кўзгусида акслантиришга киришади. Ёзувчининг бадий маҳорати даражасини бутун асар вужудига сингдирилган «латифа оҳанги»да кўриш мумкин. Латифа оҳанги деб жўнлаштириб тушунилган нарсанинг моҳияти бутунлай бошқача. Инсоннинг ўтмиши билан «кулиб хайрлашиши» замирида чуқур комизмга йўғрилган фожеавийлик ётади. Асарнинг бош ғоявий — бадий мақсади талаби, қолаверса, муаллиф ижодий услубининг имкониятлари ҳодиса моҳиятига яширинган фожеани комик вазиятларда тасвирлайди. Шунинг учун Яхшибоев тимсоли сиртдан латифагўй, комик бўлиб туюлса-да, аслида ўта мураккаб характерга эга бўлган фожеавий шахсдир.

Мақолаimiz мантиқидан одамлар иккига — ҳақиқат бандалари ва жаҳолат бандаларига, яъни эътиқодли ва эътиқодсизларга ажралиб қолди. Асл мақсад ҳам шу эди. Жаҳолатнинг луғавий маъноси-нодонлик. Аммо эътиқодсизларда ҳам ақл бор. Ҳамма бало шундаки, ўша ақллар моҳиятан нодонликка бўйсунадилар. Бундан ташқари, ақл, илм ва фаросат каби инсонга хос фазилатларнинг ўзи билангина инсон ҳайвондан ажралиб қолмайди. Булар инсонга бир қурол вазифасини ўташдан нарига ўтолмайдилар. Ақл ва фикр, илм

ва фаросат воситасида одам камолот сари юриши ҳам, аксинча, тубанликка қараб юз тутиши ҳам мумкин. Демак, инсоннинг инсонлигини белгилаб турадиган омил мазкур ақл, илм ва фаросатларнинг ўзларигина эмас, балки бу воситаларнинг жаҳолатга қарши, ҳақиқат йўлида қўлланилиши ҳамдир.

Эътиқод ва эътиқодсизлик ҳақида яна кўп гапириш мумкин... Хулосага келадиган бўлсак, биз эътиқодли одамларни бахтли, эътиқодсизларни эса бахтсиз, деб, яъни эътиқод билан бахтни бир хил тушунча деб биламиз. *Эътиқодли одамлар шунинг учун ҳам бахтлидирларки, улар ўзларига тухфа қилинган энг буюк неъматни – инсоний ҳаётнинг инсонийлигини сақлаб қола оладилар. Ҳаётдан инсондек яшаб, инсондек ўтадилар. Эътиқодсизлар эса, шунинг учун ҳам бахтсиздирларки, улар ана шу инсоний ҳаётнинг инсонийлигини сақлаб қола олмасдан, уни ҳайвоний ҳаётга айлантириб юборадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаётлари ҳайвонлар ҳаётидан мазмунан фарқ қилмайди.*

Буюк мутафаккир шоирлар ижодида бахт ва фожеанинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги яққол кўринади:

«Кўнгулга футур ўлмай роз очилмас,
Садаф гар бутундар, гавҳар сочилмас...»

Алишер Навоий.

«Кулгили эканлигини англаган инсон кулмайди»

Антонио Поркия

«Муҳаббатлар муваққатдир, адоватлар ҳақиқатдир...»

Муҳаммад Ҳодий

Биз тасодифан комик объектга нисбатан устун эканлигимизни англаб қоламиз ва бу тасодиф қувонч, қониқиш бағишлайди, дейди Томс Гоббс.

Ўзбек адабиётида бадий жиҳатдан мумтоз ҳисобланган Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Қодирий ва Фитрат, Чўлпон ва Усмон Носир каби ижодкорлар асарларини таҳлил этадиган бўлсак дард ва фожиа, қувонч ва шодлик билан нақадар уйғун яшашининг гувоҳи биламиз. Хулоса қиладиган бўлсак, комиклик ва фожиавийликнинг уйғунлиги Инсон ва унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади.

АДАБИЁТЛАР

[1] Бахтин М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и Ренессанса, М.: Художественная литература, 1965. –С.15.; [2]. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). –Т.: Чўлпон, 1992. 231-б.; [3]. Ўша китоб, 503-б.; [4]. Фафуров И. Зардушт таваллоси. «Тафаккур» журнали. 1995. 1-сон.; [5]. Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдади. –Т.: «Ёзувчи», 1997. 26-б.

Бошланғич таълим
услуги кафедраси:

Қабул қилинди:
14.05.2003